O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2000 йил 4 ноябрь, шанба • №85 (11.270) • Эркин нархда сотилади

«Пахта — 2000»



ВИЛОЯТИМИЗ пахтазорларида йиғим-теримга оммавий сафарбарлик давом этаяпти. Ташкилий ишлар тадбиркорлик билан ҳал этилиб, теримчиларга барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётган туманларда кундалик терим суръати имконият даражасида бўлаяпти. Масалан, Оққўрғон, Ўртачирчиқ, Қуйичирчиқ, Юқоричирчиқ туманларида кунига режага нисбатан бир фоиздан ошириб пахта тайёрлашга эришилмоқда.

2 ноябрь куни Оққўрғонликлар қабул пунктига вилоятда энг кўп – 522 тонна хом ашё топширишга эришдилар. Ўртачирчиқликлар 417 тонна, қуйичирчиқликлар 367 тонна ҳосил йиғиштириб олдилар. Бўка тумани пахтакорлари ҳам кунига 300 тонна атрофида пахта тайёрлаб, маррага тобора яқинлашмоқдалар. Уларнинг йиллик шартнома режасини бугун-эрта бажаришлари аниқ бўлиб қолди.

Катта карвон туманлар қўшаётган салмоқли улуш ҳисобига 2 ноябрь куни вилоятимиз бўйича далалардан 2449 тонна ҳосил йиғиб-териб олинди. Шу кунгача тайёрланган жами пахта эса 249 минг 660 тоннага етди.

Шу кунгача йиллик режанинг 90 фоизидан ошириб пахта топширишга эришган Бекобод ва Янгийўл туманларида нима учундир терим суръати 0,70 фоизга тушиб қолди. Табиийки, у кундан-кунга камайиб боради. Агар ушбу туманларда қўшимча имкониятлар излаб топилиб, ишга солинмаса, шартнома режасининг барбод бўлиши ҳеч гап эмас.

### Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 2000 йил 3 ноябргача бўлган МАЪЛУМОТ

*(фоиз ҳисобида)*

Биринчи устун – туманлар, иккинчи устун — бир кунда терилган пахта, учинчи устун – мавсум бошидан бери

| | | |
|---|---|---|
| Пскент | 0,39 | 102,89 |
| Чиноз | 0,67 | 102,89 |
| Бўка | 0,74 | 99,33 |
| Оққўрғон | 1,32 | 97,15 |
| Бекобод | 0,70 | 90,87 |
| Янгийўл | 0,78 | 90,01 |
| Ўртачирчиқ | 1,14 | 81,35 |
| Юқоричирчиқ | 1,03 | 81,00 |
| Қуйичирчиқ | 1,04 | 74,29 |
| **Вилоят бўйича** | **0,90** | **90,79** |



## МАҚСАД — ДЕҲҚОННИНГ ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШ

Вазирлар Маҳкамасининг яқинда, аниқроғи, шу йил 21 октябрда қабул қилган «2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллаш ва 2001 йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан танишганимизда, бир вақтлар бутун республикага машҳур бўлган, кўпчилик ўрнак олиб ва ижодий фойдаланиб, пахтачиликда юксак натижаларга эришган «Тошкент технологияси» ёдга тушганди. Зеро, пойтахт вилояти пахтакорларининг ана шу ўзига хос илғор тажрибалари мавжуд қишлоқ хўжалик техникаларидан самарали фойдаланиб, пахтадан мўл ва эртаки ҳосил етиштириш ҳамда уни қисқа муддатларда йиғиб-териб олишга қаратилган эди. Бу эса келгуси йил ҳосилига ҳам ўз вақтида пухта замин ҳозирлаб қўйиш учун кенг имкониятлар яратарди.

Шу нуқтаи назардан қараганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» Давлат-кооператив қўмитасини «Ўзагромашсервис» уюшмаси этиб ўзгартириш тўғрисида»ги Фармонини мамлакат қишлоқ хўжалигини, айниқса, унинг пахтачилик тармоғини барча зарур техника воситалари билан бугунги кун талаблари даражасида таъминлашга қаратилган ғоят муҳим қонуний ҳужжат деб баҳолаш мумкин. Бор техника имкониятларидан омилкорлик билан фойдаланаётган вилоят, туман ва хўжаликларда давлатга пахта сотиш шартнома режалари муваффақиятли уддаланмоқда. Бунга Тошкент вилоятидан ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Пахта тайёрлаш режасини вилоятда биринчи бўлиб бажарган Пскент туманида машина теримининг улуши энг юқори, қарийб 25 фоизга етди. Техникага таянаётган Оққўрғон тумани пахтакорлари ҳам эрта-индин йиллик режани уддалайдилар.

*Муносабат*

Сир эмаски, бугунги кунда мамлакатимиз туманларида ташкил этилган машина-трактор парклари (МТП) қишлоқ хўжалигининг ишлов ва ўрим-йиғим техникаларига бўлган талаб-эхтиёжини тўла қондира олмаяпти. Деҳқончилик саноати мажмуини моддий-техник таъминлаш ва техникани тузатиш давлат-кооператив қўмитасининг қишлоқ хўжалигига техникавий хизмат кўрсатиш корхоналари уюшмасига айлантирилиши, шубҳасиз, ана шу муаммони қисқа вақт ичида ҳал этиш учун кенг имкониятлар йўлини очиб беради.

Фармоннинг мазмун-моҳиятидан аёнки, бундан буён республика қишлоқ хўжалигига техникавий хизмат кўрсатиш икки томонлама ривожланиб, мукаммаллашиб боради. Биринчидан, Фармоннинг учинчи бандида белгилаб қўйилганидек, «Ўзагромашсервис» уюшмасини тузишда қишлоқ хўжалигига механизациялаштирилган хизматлар кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган хорижий корхона ва ташкилотлар ҳам иштирок этади. Бинобарин, қишлоқ хўжалиги яхши тараққий этган мамлакатларнинг тажрибалари, техника воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмларига, шу жумладан, республикага олиб келинаётган шундай техника ва эҳтиёт қисмларга бўлган талаб-эхтиёж ўрганилади, кейинчалик таъминот ҳам шунга яраша бўлади.

Иккинчидан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этиладиган МТП ҳудудий бирлашмалари ўз ҳудудларидаги машина-трактор парклари, таъмирлов корхоналари, ширкат хўжаликлари ҳамда фермер ва деҳқон хўжаликларига техник ва сервис хизматини таъминловчи бошқа корхона ва ташкилотларни бирлаштирувчи очиқ турдаги акциядорлик жамияти бўлиши сабабли барча мулк шаклидаги қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларга шартнома асосида механизациялаштирилган хизмат кўрсатиш имкониятлари ҳозиргига нисбатан беқиёс кенгаяди. Демак, жамоа, ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари экин майдонларини шудгорлаш, экишга тайёрлаш, хашаки экинлар, пахта ва ғалла ҳосилини йиғиштириб олиш техникалари, транспорт ва бошқа механизациялаштирилган хизмат турларидан ўз вақтида ва тўла фойдалана оладилар. Чунки, машина-трактор паркларини ривожлантириш, таъмирлаш базаларини такомиллаштириш, тракторлар, ғалла ва пахта комбайнлари, шунингдек, бошқа техника воситаларига сервис хизмати кўрсатиш ва уларни таъмирлаш Фармонда МТП ҳудудий бирлашмаларининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгилаб қўйилган. Бундан ташқари замонавий, шу жумладан, импорт техникага буюртмалар машина-трактор паркларининг таклиф ва талаблари асосида умумлаштирилиши ҳам қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларини иложи борича тўлароқ қондиришга қаратилган амалий чорадир.

Бир сўз билан айтганда, республика Президентининг ушбу янги Фармони қишлоқ хўжалигида замонавий, юқори унумли техникани кенг қўллаш орқали халқ хўжалигининг ушбу асосий тармоғида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ.**



## ЖУМАДАН ЖУМАҒАЧА

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» Давлат-кооператив қўмитасини «Ўзагромашсервис» уюшмаси этиб ўзгартириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. У қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига кўрсатиладиган механизациялаштирилган хизматлар даражаси ва сифатини ошириш, қишлоқда замонавий юқори унумли техникани кенг қўллаш, қишлоқ хўжалик техникасига сервис хизмати кўрсатиш ва уни таъмирлаш, соз ҳолатда сақлаш тизимини такомиллаштириш масалаларини ўз олдига мақсад қилиб қўйган.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қишлоқ хўжалигини юқори самарали замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси билан жиҳозлашни рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги машинасозлигини, шу жумладан етакчи хорижий компаниялар иштирокида ривожлантириш учун шарт-шароитларни шакллантириш, қишлоққа етказиб берилаётган тракторлар ва ўрим-йиғим техникаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш мақсадида «Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.
- 1 ноябрь куни Оқсарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жон Эдвард Хёрбстдан ишонч ёрлғини қабул қилиб олди.
- Шу куни Президент Ислом Каримовга Франция республикасининг Ўзбекистон республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жак Андре Костиль ҳам ишонч ёрлиғи топширди.
- Ўзбекистон Ташқи иқтисодий вазирлигида Швейцария Конфедерацияси Федерал маслаҳатчиси, мамлакат Федерал молия департаменти вазири Каспар Виллегер бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси ва Швейцария Конфедерацияси ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, хусусан, мамлакатимиз иқтисодиётида Швейцария сармоясини иштироки кўламларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар музокараларнинг асосий мавзуси бўлди.
- Киночилар уйида «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси ва Республика Кино арбоблари бирлашмаси ташаббуси билан Ўзбекистон халқ артистлари Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев ҳамда Сойиб Хўжаев таваллудининг 90 йиллигига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.

## ДИННИ НИҚОБ ҚИЛГАН ИМОНСИЗЛАР

Ислом динининг беш фарзларидан бири Ҳаж зиёратидир, Умра эса шариатда кичик Ҳаж саналади. Мамлакатимизда истиқлол йилларида одамларнинг ўз диний ибодатларини эркин амалга ошириши учун яратиб берилган шароит туфайли минглаб юртдошларимиз ана шундай муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб қайтмоқда. Кимдир заҳматли меҳнати билан умр бўйи муборак сафар умидида маблағ тўплайди, аммо ўз жиноий ниятларига эришиш учун одамларнинг ўша пулига кўз олайтириб, ҳеч шубҳасиз, гуноҳи азимга ботганлар ҳам бор экан.

Маълум бўлмоқдаки, ўзини «Ўзбекистон исломий ҳаракати» деб аталмиш иддоали гуруҳ пешволари деб атаётган Тоҳир Йўлдошев, Жумабой Ҳожиев ва уларнинг ҳамтовоқлари учун, аслида, мусулмонларнинг ана шундай хайрли мақсад йўлида йиққан жамғармаларини тортиб олиш одат тусига кирган экан. Улар бу йўлда бегуноҳ мўъминларнинг қонини тўкиш, қийнаш, ўлдириш ва талашдан ҳам тоймаганлар. Шунинг ўзиёқ, бу «шариат учун курашчилар»нинг даъволарини йўққа чиқаради.

Раҳнамоларининг топшириғига биноан Козим Зокиров бошчилигидаги қуролланган гуруҳнинг 3 нафар аъзоси 1997 йилнинг январида андижонлик Бурҳониддин Ҳакимов хонадонига бостириб кириб, уй эгаси ва рафиқасини қаттиқ калтаклайди. Отиб ташлаш билан

*Суд залидан*

пўписа қилиб, Б.Ҳакимовнинг кўп йиллар орзу қилган Умра сафари учун йиққан пулларини, қимматбаҳо буюмларини тортиб олади.

Худди шу гуруҳнинг 8 нафар аъзоси Малика Холматованинг уйига ҳам босқинчилик уюштирган. Жиноятчилар аёл ва эрини калтаклаб, чидаб бўлмас қийноқларга солган. Қайнона-қайнотасини Умрага жўнатиш учун тўплаган маблағини тортиб олиб, қурол-яроғ сотиб олишга, демакки, қон тўкишга сарфлаган.

Ана шундай қотиллик ва талончилик билан қўлга киритилган бойликни ўзларича «байтул мол» деб атовчи жамғарма орқали Т.Йўлдошевга етказиб турган жиноятчилар 1996-97 йилларда Наманган ва Андижон вилоятларида ўнлаб одамларнинг умрига зомин бўлган.

Чунончи, улар 1997 йилнинг 2 декабрь куни Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси ходими Боқижон Убайдуллаевни оила аъзолари кўз ўнгида ўлдириб, бошини танасидан жудо этган. Умуман, Наманган вилоятида Тоҳир Йўлдошев ва унинг тарафдорлари тузган жиноий гуруҳ томонидан 17та босқинчилик ва қотиллик содир этилган.

Жиноятчилар 1997 йилнинг 23 март куни Андижон шаҳрида милиция ходими Одил Ризаевнинг уйига бостириб кириб, унинг ўзини, онаси, хотини ва икки ўғлини ваҳшийларча ўлдирган. Андижон вилоятида жами 12 оилага нисбатан босқинчилик амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида давом этаётган суд жараёнида 3 ноябрь куни асосан ана шундай жиноятлар боис ҳаётдан кўз юмганларнинг яқинлари, жабрланганлар, гувоҳлар кўрсатма берди.

Суд давом этмоқда.

***(ЎзА).***

*Акс-садо*

### ТАВҚИ ЛАЪНАТДАН ҚУТУЛА ОЛМАЙДИЛАР

Ўта оғир жиноятларда айбланаётганлар устидан олиб борилаётган суд жараёни тафсилотларини матбуот, радио ва ойнаи жаҳон орқали кузатарканман, ал қасосу минал ҳақ деган иборанинг қанчалар тўғрилигига яна бир бор иймон келтираман. Чиндан ҳам бу дунёда бирор бир ёмонлик жазосиз қолмайди.

Фарзанди, эри, укасидан жудо бўлган, хонадонлари мотамхонага айланган одамларнинг сўзларини тинглarканман, ваҳшийликларнинг бевосита иштирокчилари ва раҳнамоларига нисбатан қаҳр ва ғазаб ҳиссини туяман. Жабрланганлар бундай мудҳиш жиноятлари учун айбланаётганларга олий жазо қўллашни сўраётганликлари бежиз эмас. Қолаверса, бу муртад кимсалар у дунёю бу дунё халқ тавқи лаънатидан қутула олмайдилар.

***Нуъмон НАСИМОВ,***
***республика «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси.***

### АДАШГАНЛАР КЎЗЛАРИНИ ОЧИШСИН

Мен ҳам ойнаи жаҳон орқали берилаётган Ватан хоинлари устидан ўтказилаётган суд жараёнини ҳаяжон билан кўриб боряпман. Жабрланувчиларнинг кўзлари тўла ёш, алам ва ғазаб билан айтаётган гапларини эшитиб, этим жимирлаб кетади. Ўйланиб қоламан. Ахир бундан ҳам ортиқ ёвузлик, муртадлик бўладими? «Эй, қора курсида ўтирган нобакорлар, ахир, сени ҳам она туққандир, сенинг ҳам отанг, балким, бола-чақанг бордир? Энди улар олдида нима деган одам бўлдинг? Мабодо жазони ўтаб келган тақдирингда ҳам уларнинг, эл-юртнинг юзига қандай қарайсан? Албатта, сенларда жиндек юрак бўлса, инсон бўлиб туғилганларинг учун минг-минг пушаймон еяётгандирсанлар?» деб айтгим келади.

Эй, адашганлар, бундан сизлар ҳам тўғри хулоса чиқариб, эс-хушларингни вақтида йиғиштириб олиб, ҳақиқий ҳаётга эл-юрт хизматига қайтинглар, деб айтаман.

***Наби ЭШОНОВ,***
***Тошкент туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги аъзоси.***

*2000 йил — Соғлом авлод йили*



## ФАРЗАНДЛАР ИСТИҚБОЛИ — ЮРТ КАМОЛИ

Миллатнинг соғломлиги юртнинг равнақ топиши ва гуллаб-яшнашига олиб келувчи муҳим омиллардан биридир. Шу сабабдан ҳам оналар ва болалар саломатлигини сақлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар мақтаса арзигулик.

Тошкентдаги Ўзбекистон Республикаси Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти қошида «Оила ва никоҳ» илмий маслаҳат марказининг очилиши ҳам Ўзбекистонда аёллар ва болалар саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш борасида амалга оширилаётган улкан ишларнинг давомидир.

Бу марказ жиҳозланиши жиҳатдан жаҳондаги шундай замонавий муассасалардан асло қолишмайди. Бу ерда Австрия, Германия, Швейцария ва бошқа давлатлардан келтирилган замонавий тиббий ускуналар ўрнатилган. 250 ўринга мўлжалланган марказда мижозлар акушер-гинеколог, уролог, гинеколог-эндокринолог, эндокринолог, стоматолог кўригидан ўтиши мумкин. Уларга малакали тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатади. Шубҳа йўққи, бундай марказнинг ишга туширилиши соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш ва оилада тотувликни таъминлашга катта ҳисса қўшади.

Жорий йилнинг бошида Ўзбекистонда «SOS — Болалар маҳалласи» қурилиши бошланганидан кўпчилик яхши хабардор. Айни пайтда мазкур маҳалла қурилиши ниҳоясига етказилди. Қурилиш учун ажратилган беш гектар майдонда 14та оилавий коттеж, болалар боғчаси, маъмурий бинолар, меҳмонхона ва бошқа иншоотлар қад ростлади.

1998 йилда мамлакатимиз ҳукумати ва «SOS — Kinderdorf International» халқаро жамияти ўртасида имзоланган шартнома асосида «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси ташкил этилган эди. Бу уюшма «SOS — Kinderdorf International» халқаро жамияти мамлакатимизда амалга оширишни мўлжалланган лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этиш билан шуғулланиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, SOS маҳаллаларида етим болалар тарбияланади. Бу ерда уларга ота-онаси бор оилалардаги фарзандларникидек шароит яратишга ҳаракат қилинади. Ҳар бир коттежда 8-10 нафар бола ва бир «она» (болалар маҳалласи тарбиячилари шундай номланади) яшайди.

Маҳалла яқин кунларда расман иш бошлайди. Бу эса «Соғлом авлод йили»да болажону онажонларга муносиб тортиқ бўлади.

## МАШЪАЛНИНГ СЎНИШИ

### ёки Тошкент туманидаги Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли ширкат хўжалигининг наслчиликка ихтисослашган чорвачилик фермасидаги бугунги аянчли аҳвол ҳақида

***Оддий ҳақиқат бу: қайси соҳа, тармоқда бўлмасин илғорлар, машъал корхона, хўжалик, жамоалар ҳақида ёзиш ғоят мароқли ва завқлидир. Бундай пайтда бойлик яратаётган азаматларнинг тажрибаларини эл мулкига айлантиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшишга ҳаракат қиласан киши.***

Тумандаги Муҳаммаджон Фозилов номли, «Ўзбекистон» хўжаликлари фермаларида бўлганимда мени ана шундай ҳис-туйғулар чулғаб олди. Бундан чамаси етти-саккиз йил илгари шу тумандаги Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли хўжалик чорвадорлари ҳам шундай довруғга эга эдилар. Хўжаликда говмушлардан мўл-кўл сут соғиб олинар, кўплаб гўшт етиштирилар, наслчилик ишлари яхши эди. Бу ерда республика миқёсида тез-тез йиғилишлар ўтказилиб, ферманинг ютуқлари, тажрибалари намуна қилиб кўрсатиларди.

Раҳбарларнинг нияти холис эди: венгриялик мутахассислар билан ҳамкорликда фермада сутни қайта ишлайдиган цехни ишга туширмоқчи эдилар. Шу ҳисобга чорвачиликдан олинадиган соф фойдани янада кўпайтириб, чорвадорларнинг турмуш даражасини ҳар жиҳатдан юксалтириш ҳаракатида эдилар.

Йиллар кетидан йиллар ўтди. Бу орада хўжалик раҳбарлари икки марта янгиланди. Кейинги сайланган раис Илҳом Маҳкамов фермани янада ривожлантириш, жуда бўлмаганда эришилган мавқени сақлаб туриш ҳақида ваъда берди, бироқ, у ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ ваъдасини унутди.

**(Давоми 2-бетда).**

## ВИЛОЯТ ҳаёти

### СОВҒА-САЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ



Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган Меҳр-мурувват гуруҳи Қуйичирчиқ тумани меҳнаткашлари ҳузурида бўлиб қайтди. Унинг аъзолари кузги йиғим-теримда алоҳида жонбозлик кўрсатган деҳқонларга совға-саломлар топширдилар. Кийим-кечак, озиқ-овқат ва дори-дармонлардан иборат бу ҳадялар «Наврўз», «Таянч», «Болалар», «Оила», «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармалари ҳамда Аёлларнинг ижтимоий мослашув ва репродуктив саломатлик маркази томонидан тортиқ қилинди.

«Экосан» халқаро жамғармаси вилоят бўлими ходимлари ҳам Чиноз тумани «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида айнан ана шундай тадбирни ўтказиб қайтишди. Меҳнатда яхши натижаларга эришаётган деҳқонларга жами 135 минг сўмлик совғалар топширилди. Бу тадбирни ўтказишга «Вилоятсавдо», «Вилоятматлуботсавдо» ҳиссадорлик компаниялари, «Дори-дармон» акционерлик бирлашмаси муносиб ҳисса қўшдилар. Тадбир ниҳоясида туман маданият ходимлари иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

**Убайдулла ҲИКМАТОВ.**

### ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ СУҲБАТЛАР



Зангиота тумани Қатортол маҳалласида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг адашган ёшларни авф этиш тўғрисидаги фармони моҳияти, уни қабул қилишдан кўзда тутилган мақсадлар, мазкур фармоннинг бугунги кундаги ижроси мавзусига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда туман ички ишлар бўлими, прокуратураси, «Маҳалла» жамғармаси бўлими раҳбарлари иштирок этиб, истиқлолнинг қадрига етиш, ёшлар учун яратиб берилаётган шароитлар ва имкониятлардан тўғри фойдаланиш, ўсиб келаётган авлод тарбиясига алоҳида эътибор бериш ҳақида гапирдилар. Тадбир иштирокчилари йиғилганларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтардилар.

**Нилуфар МАЖИДОВА.**

### МАРМАР ЦЕХИ ИШ БОШЛАДИ



Қибрай туманидаги қурилиш ашёларини ишлаб чиқариш хусусий корхонасида мармарни қайта ишлаш цехи иш бошлади.

Цехда мармар устунчалар, фаввора безаклари, гулдон, кулдон каби мармардан ишланган буюмлар ишлаб чиқариладиган бўлди.

Мазкур цех ишга тушгандан сўнг, ҳар ойда 300 минг сўмлик ана шундай буюмларни сотиш ишлари йўлга қўйилди.

**Фотима АКРОМОВА.**

АЗИЗ ДЎСТЛАР! «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га обуна давом этмоқда!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2000 йил 4 ноябрь № 85 (11.270)



## «ЭЛЕКТРКИМЁСАНОАТИ» БИРЛАШМАСИ:

# КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

**Ўзининг қутлуғ санасини нишонлаётган Чирчиқдаги «Электркимёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси ана шу йўлда изланмоқда**

Бу ишлаб чиқариш бирлашмаси нафақат саноат, балки мамлакатимиз агросаноати тизимига хизмат қилувчи йирик корхоналарнинг биридир. Чунки, бирлашмада тайёрланган турли маъданли ўғитлар қишлоқ хўжалигида, айниқса, унинг етакчи тармоғи — пахтачиликда асосий ўрин тутади. Демак, корхона республикамиз агросаноат тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бевосита иштирокчисидир. Шунинг учун кимёгарлар бутун маҳорат ва тажрибаларини сафарбар этиб ишламоқдалар.

Жамоа бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида ҳам иш ҳажми ва суръатини сақлаб қолишга, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга эришмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, илғор технология ва замонавий асбоб-ускуналарни жорий қилишга эътиборни кучайтирмоқда. Бу соҳада деярли ҳар йили катта-катта ўзгаришлар юз бераяпти. Эскирган ишлаб чиқариш тизимини янгилаш учун кўплаб маблағ сарфланяпти. Бу борада, амалга оширилган ишлар, айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин тез суръатлар билан бораётганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Бугун бирлашма ишчи-хизматчилари, барча чирчиқликлар корхона тарихидаги қутлуғ бир санани нишонламоқдалар. Унда маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилганига олтмиш йил тўлди. 1940 йилнинг ноябрь ойида аммиак ва аммиак селитрасининг дастлабки тонналари олинган эди.

Корхона тарихидаги бу санани ишлаб чиқаришни тараққий эттиришдаги янги ютуқлар, муносиб меҳнат совғалари билан нишонлашга астойдил ҳаракат қилган кимёгарлар сўнгги ойларда салмоқли натижаларга эришмоқдалар. Биргина октябрь ойида асосий маҳсулотлардан бири — аммоний сульфати режадаги 13 минг тонна ўрнига 17 минг 600 тонна ишлаб чиқарилди. Қатор бошқа ўғит турларини тайёрлашда ҳам ижобий силжишлар юз берди.

Корхонада сўнгги йилларда ислоҳотлар жараёни халқимиз учун зарур бўлган истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш соҳасида ҳам кўзга ташланмоқда. Турли хил қадоқланган маъданли ўғитлар, кийим-кечаклар, пластмасса буюмлари ва бошқа турдаги ишлаб чиқарилган истеъмол маҳсулотлари ҳажми 249 миллион сўмликдан ошиб кетди.

Ҳар йили қишлоқ хўжалиги учун ўғитлар ва кенг истеъмол буюмлари тайёрлашда белгиланган топшириқларнинг муваффақиятли бажарилиши кўп миқдорда даромад олиш ва фойда кўришни таъминламоқда. Даромаднинг асосий қисми ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ҳамда жамоани ижтимоий муҳофаза қилишга сарфланмоқда.

— Сафига олти мингдан ортиқ турли миллат вакиллари ва касб эгаларини бирлаштирган жамоамизнинг ҳар бир аъзоси ҳар томонлама ғамхўрлик билан қуршаб олинишга ҳақлидир, — дейди бирлашма касаба уюшмаси қўмитаси раиси Б. Абдуллаев — улар ўзларининг муваффақиятли ва шарафли меҳнатлари билан ҳақиқатан ҳам мўъжизалар яратадилар. Оддий хом ашёлардан мураккаб ўғитлар тайёрлайдилар. Бу жараён эса осонликча бошқарилмайди. Бунинг учун катта маҳорат ва тажриба, ўз ишига садоқат зарур. Шундай экан, уларнинг ҳар бири ўз меҳнати самарасининг роҳатини кўрмоғи керак...

Ҳақиқатан ҳам бирлашмада ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш учун барча қулайликлар яратиб берилмоқда. «Кимёгарлар» техника ва маданият саройи мунтазам ишлаб турипти. «Чимён» спорт мажмуаси эса қишин-ёзин ишчилар ва уларнинг фарзандлари учун хизмат қилади. Улар бу ерда волейбол, баскетбол, гандбол, футбол, спортнинг бошқа турлари билан мунтазам шуғулланадилар.

Ишчи-хизматчилар соғлиғини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган яна қатор муассасалар барпо этилган. Бўстонлиқ туманининг хушманзара тоғолди ҳудудида бирлашмага қарашли «Оқтош» пансионати жойлашган. Жорий йилнинг ўтган ойларида минг нафар ишчи-хизматчи бу ерда ўз саломатликларини тиклади. Профилакторий эса бир навбатда юздан ортиқ кимёгарларни ўз бағрига олмоқда. Ҳозиргача бу ерда 1227 нафар ишчи-хизматчи имтиёзли ёки бепул йўлланмалар билан маданий ҳордиқ чиқарди. Бу муассасалар барча тиббий анжомлар, дори-дармонлар билан таъминланган. Уларда малакали шифокорлар ишлашмоқда.

«Соғлом авлод йили»да махсус дастур ишлаб чиқилди ва унда белгиланган тадбирлар амалга оширилмоқда. Ёзги таътил пайтида жамоанинг минг нафар ўғил-қизлари оромгоҳ бағрида бўлдилар. Кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандлари, ногирон болалар бепул йўлланмалар билан таъминландилар. Корхонада ишлаган фахрийлар ҳурмати ҳам ўрнига қўйилмоқда. Уларга имкон борича моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиляпти.

— Ишчи-хизматчиларимиз, — дейди ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Ҳотам Сайдаҳмедов, — республикамиз Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллаш ва 2001 йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини маъқуллаб кутиб олдилар. Бу қарор жамоамиз зиммасига ҳам масъулиятли вазифа юклайди. Қимматли халқ бойлиги ҳисобланган пахтадан мўл ҳосил етиштириш кўп жиҳатдан бизнинг меҳнатимизга ҳам боғлиқ. Шунинг учун ишчиларимиз пахтакорларга ўғитлар етказиб беришни барча йўллар билан кўпайтиришга бутун куч-ғайратлари ва тажрибаларини сарфлайдилар.

Бирлашма жамоасини шонли байрам билан муборакбод этар эканмиз, яратувчилик меҳнатида муваффақиятлар тилаймиз.

***Мирсобир МИРҲАМИДОВ,***
***«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.***





*СУРАТЛАРДА: корхона ишлаб чиқариш илғорларидан бир гуруҳи.*

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

## ИПАК ЙЎЛИ ҲАҚИДА — ҲАҚИҚАТ

Мустақилликка эришгач Ўзбекистон Республикаси Буюк ипак йўлини қайта тиклаш ташаббускори бўлди. Бу хусусда кейинги йилларда мамлакатлар ўртасида самарали мулоқотлар ўтказилмоқда.

1998 йил Бокуда бўлиб ўтган тарихий Буюк ипак йўлини қайта тиклаш халқаро анжуманида давлатимиз раҳбари Европа ва Осиёни энг қисқа йўл орқали боғловчи робиталар ривожланишининг муҳим аҳамиятини аниқ белгилаб берган эди.

Кейинчалик Тошкент ва Пекинда ўтказилган халқаро анжуманлар ҳам ана шу муаммога бағишланди.

Ўзбекистон мазкур анжуманларда қабул қилинган қарорларга мувофиқ, хусусан, Қамчиқ ва Резак довонлари орқали йўллар, кўприк-йўллар ҳамда тоннеллар қурилиши бўйича катта ишларни амалга оширди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигида Андижон—Уш-Иркештам йўли қайта тикланмоқда. Бу йўлнинг қисман фойдаланишга топширилганига анча бўлди.

Яқинда Ипак йўли тадқиқоти ва уни қайта тиклаш дастури доирасида ўзбек олимлари ва «Ўзавтойўл» концернининг тадқиқот маркази мутахассис-йўл қурувчиларидан иборат гуруҳ Хитойда бўлиб қайтди. Мазкур экспедициянинг Ипак йўли бўйлаб қилган сафари чоғида Хитой шаҳарларининг меъморий ёдгорликлари, тарихи ва маданияти, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги маданий ҳамда савдо-иқтисодий алоқалар тўғрисидаги маълумотлар тўпланди.

Бўлиб ўтган музокаралар чоғида ўзаро ихтисослаштирилган делегациялар алмашуви тўғрисида келишиб олинди. Мисол учун, Хитой томони келгуси йилда Ипак йўлида жойлашган Ўрта Осиё шаҳарлари бўйлаб халқаро экспедиция ташрифини амалга ошириш режаси ишлаб чиқилаётганлигини маълум қилди.

Экспедициянинг ўзига хос шиори «Ипак йўли ҳақидаги ҳақиқат» номли фильмда ўз аксини топди. Ушбу фильм Сиань, Ланьчжоу, Дуньхуан, Урумчи, Турфан, Қашғар каби кўҳна савдо йўлларида жойлашган шаҳарларда суратга олинди.

***Сергей ҚУРБОНОВ,***
***Беруний Олимов,***
***«Жаҳон» АА.***

# МАШЪАЛНИНГ СЎНИШИ

***(Давоми. Боши 1-бетда).***

Тўғрироғи, бозор иқтисоди бухронлари эпкинига бардош беролмай қолди. Бу, айниқса, фермага бўлган муносабатда яққол кўринди. У раис бўлиб сайланганининг иккинчи йилиданоқ чорвачиликдаги кўрсаткичлар орқага кета бошлади. Агар сиз айни кунларда фермада бўлсангиз таъбингиз хира бўлади. Хўжалик машъал бўлган йиллардаги кўриниш, тартиб-интизомдан дарак йўқ. Чорвачилик тобора зарарга кириб бормоқда. Орзу қилинган қайта ишлаш цехини қуриш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Моллар бош сони камайиб, наслчилик ишлари ўлда-жўлда бўлиб, бузоқ олиш ҳам кескин камайиб кетган. Боз устига олинаётган бузоқларнинг аксарияти нимжон, касалманд бўлиб туғиляяпти.

Фермадаги молхона ва бошқа иншоотлар тўкилиб-сочилиб, йўқ бўлиб бормоқда. Хашакхоналар бўм-бўш. Уларнинг атиги биттасидагина икки-уч ойга етадиган сомон борлигини кўрдик холос. Чорвадорларнинг ҳафсаласи пир, боши эгик, гаплари гапга қовушмайди. Ахир қиш келаяпти! Етарли озуқа заҳираси ҳанузгача жамғарилмади, ким билади, қишнинг қаҳри қандай бўлади? Унда нима бўлади? Яна қўшниларга ялиниб тиланчилик қилинадими? Қўлдан берганга қуш тўймайди-ку!

Ёлғон бўлмасин, деб айтишди чорвадорлар: «Озроқ беда пичанимиз бор. Лекин уни бўғоз молларга, бузоқларга берамиз, деб асраб турибмиз. Озроқ шелухани ҳисобга олмаганда ем ҳақида гапирмасак ҳам бўлади.»

Озуқа цехини кўздан кечирамиз. Бу ерда қуруқ хашакдан бўлак ҳеч нарса йўқ эди. Айтишларига қараганда оз-моз қовоқ келтириб, майдаланиб, қўшилиб, қайта ишланаркан. Лекин биз борган кунимиз жониворлар ана шу «тузлама»дан ҳам маҳрум бўлиб туришганди. Чунки электр қуввати йўқ. Илгари фермада 2 та трансформатор бўлиб, биттаси куйиб қолса иккинчисини ишга туширганлар. Электр қуввати таъминотида узилиш бўлмаган. Ҳозир битта трансформатор қолган. У ҳам гоҳ ишлаб, гоҳ бузилиб қоляпти. Қачон тумандан мутахассис келиб тузатиб бермагунча ишлатиб бўлмайди!

Оддий чорвадорлар билан суҳбатлашиб, уларнинг ярасига туз сепиб қўйдик чоғи: Фермадаги бир вақтлардаги дам оладиган, маданий ҳордиқ чиқарадиган хоналар ҳувиллаб, чаккахонага айланиб ётипти. Иссиқ сув йўқ. Бу ердаги асбоб-ускуналар талон-торож қилиниб, йўқ бўлиб кетяпти. Ферма ичидаги боғ чакалакхонага айланиб қолган. Эҳ, аттанг!

— Жуда бўлмаса тушлик овқат қилиб бермайдиларми?

— Мудирамиз «мен бу ишнинг кафилини олган эмасман», деб айтяпти, — жавоб беришди фермадагилар. Шунинг учун айримларимиз уйга бориб келаяпмиз, баъзилар егуликни олиб келишади. Ишқилиб бир амаллаяпмиз-да.

Бунинг устига фермада сув таъминоти ҳам муаммо бўлиб қолган. Бир вақтлари яқин атрофдаги ариқлардан 2та насос орқали сув чиқариб бериларди. Лекин бу насослар эскириб, бузилиб, яроқсиз ҳолга келиб қолган. Энди сувни фермага аравада, бочкаларда ташишмоқда.

Бу ҳам майли-я, чорвадорлар уч-тўрт ойдан буён маош олишмас экан. Уларнинг садоқати, чидами ва бардошига қойилмиз! Кимдир тушунтирди: айримлар томорқа ери олиш илинжида хўжа кўрсинга бўлса ҳам ишлаб кун ўтказишяпти. Айримлар эсини танигандан буён шу фермада меҳнат қилади. Қандай, қайси шароитда бўлмасин, фермага келиб, ишлаб кетмоқдалар. Улар ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ бўлиб қолар, деб умид қилиб юришибди. Афсуски, ҳозирги вазият, чорвачиликка бўлган муносабат ойнинг икки ўн беш кунлиги ҳам анча вақтгача қоронғу бўлиб туришини кўрсатмоқда.

Нега? Аввало раҳбарлар, биринчи навбатда раис фермaнинг шуҳратини сақлаб қолиш учун астойдил жон койитиб ишламади. Мутахассислар, фидойи чорвадорларнинг тажрибаларига суянмадилар. Чорвачиликдаги энг сўнгги ютуқлар, тажрибалар, фан янгиликларини жорий этиш учун изланмадилар. Олимлар билан алоқани мустаҳкамлаш ва амалий йўлга қўйиш учун ҳаракат қилмадилар. Боз устига фермага йигирма йилдан буён мудирлик қилиб келаётган, қийинчиликларни енгиб, йилига ҳар бир сигирдан 4-4,5 минг литрдан сут соғиб олинишини таъминлаб, ота касбини ардоқлаб келаётган Саидикром Юсуфхўжаев негадир ишдан олиб ташланди. Эҳтимол, у раиснинг йўриғига юрмагандир, буёғи бизга қоронғу!

Унинг ўрнига тайинланган, шу ерда табелчи бўлиб ишлаб юрган, ўзининг эътироф этишича, асли касби темирчи бўлган Шавкат Муҳамаджонов мудир қилиб тайинланди. Очиқ айтиш керак, у ишни эплай олмаяпти. Буни ўзи ҳам эътироф этди. «Бу авҳолда меҳнат қилиб бўлмайди, ишдан бўшатинг, деб ариза бердим» дейди у. Мудирнинг кайфияти шундай бўлгандан кейин қандай қилиб ундан қатъиятлиликни, ташкилотчиликни, чорвага иштиёқ, меҳрни талаб қиласиз. Раҳбарлар буни сезиб қолдилар. Саидикромни қайтадан ишга таклиф қилишди. Лекин у рад жавобини берди. Ҳозирги шароитда «фермани оёққа турғазиш амалда мумкин эмас», деди.

Ҳақиқатан ҳам бунақа «икир-чикир» хато ва камчиликлар газак олиб, ферма тобора орқага кета бошлаши, табиий хол. Лекин раис ҳамон парвои фалак. Шунда ўйлаб қоламан: айрим раислар бор, улар ўзларининг кундалик иш фаолиятларини хўжаликнинг чорвачилик фермасидан бошлайдилар. У ердаги ишлар, кечаги эришилган натижалар билан танишадилар, одамларнинг фикр-мулоҳазаларини, таклиф-истакларини эшитадилар. Шунга қараб тарозининг посонгисини тўғрилайдилар. Бундай шароитда, албатта, фермада ишлар юришиб кетади. Лекин фермадагиларнинг афсусланиб айтишларига қараганда раис Илҳом Маҳкамов фермага кўпдан буён умуман қадам ранжида қилмас экан.

Мен аминман. Агар раисдан нима учун ферма бундай аянчли аҳволга тушиб қолди, деб сўрасангиз, еримиз ниҳоятда кам, ахир чорвачиликнинг асосини озуқа ташкил этади. Бу аҳволда қандай қилиб озуқа базасини мустаҳкамлаймиз, деб жавоб бериши мумкин. Аммо ери кам бўлса ҳам тадбиркорлик, ишбилармонлик билан фаолият кўрсатиб, мавжуд чорвасини қоқилтирмай тиклаб келаётган, катта даромад олаётган жамоаларга нима дейсиз?! Узоққа бормайлик, шу хўжалик фермасининг ёнгинасида бўлган, битта ариқдан сув ичадиган Бахтиёр Ёқубов бошлиқ чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалиги фаолиятини олиб кўрайлик. Бу хўжаликнинг бор-йўғи беш гектар экин майдони мавжуд. Ана шу ердан олинадиган озуқадан тежамли фойдаланиб, 100 бошга яқин қорамолни боқаяпти. Мазкур ферма бу йил 5 тонна гўшт, 12 тонна сут топширди. Айни пайтда бир сигирдан кунига 8 литрдан сут соғиб олаяпти. Ўтган тўққиз ой давомида салкам 2 миллион сўм соф фойда олинди.

Демак, ҳамма гап, аввало, раҳбарнинг ташкилотчилиги, тадбиркорлиги, мавжуд ички имкониятлардан оқилона фойдалана билишига боғлиқ. Илҳом Маҳкамовда эса ана шу ҳислатлар етишмаётган кўринади.

Шу туфайли ҳам ўша куни мен фермадан анча нохуш бўлиб қайтдим. Идорага кириб мутахассислардан баъзи бир саволларга жавоб олмоқчи бўлдим. Лекин улар «раиснинг рухсатисиз сизга маълумот бера олмаймиз» деб айтишди. Нима ҳам дердик. Улар Ўзбекистон Республикасида амал қилиб келаётган матбуот ҳақидаги қонунларда кўрсатилган ҳуқуқлардан журналист тўла-тўкис фойдаланишга ҳақли эканлигини ҳам билмайдилар. Шунинг учун ҳам талашиб-тортишиб, ади-бади айтиб ўтиришни ўзимга эп кўрмадим.

Қолаверса, фермани айланиб, кўрган-кечирганларим, ҳангомасифат воқеалар, олинган айрим маълумотларнинг ўзиёқ машъал бўлиб келган бу ферма шуҳрати нима учун сўниб бораётганлигини яққол кўрсатиб турарди. Масалан, 1994 йилда 260 бош сигирдан кунига 3,5-4 тоннага яқин сут соғиб олинган. Йиллик соғиннинг ўртача миқдори ҳар бош сигирга 4 минг килограммга тўғри келган. Ҳозирги кунда эса 170 бошга яқин сигирдан кунига 700-800 килограмм сут соғиб олинмоқда. Ана, сизга ферманинг инқирозини исботловчи далил!

Ўз-ўзидан савол туғилади. Халқнинг пешона тери эвазига бунёд этилган, мулки ҳисобланган ферма жамоатчиликнинг кўз ўнгида куйиб-ёниб кетаверадими?! Наҳотки туман раҳбарлари, вилоятдаги наслчилик чорвачилик хўжаликларига даҳлдор бўлган идора ва ташкилотларнинг мутасаддилари бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрмасалар?! Тумандаги давлат буюртмасининг бажарилиши устидан назорат қилиши керак бўлган мутасадди ташкилотлар қаёққа қарашяпти? Ёки ферманинг бутунлай йўқ бўлиб кетишини кутиб туришибдими? Унда кеч бўлмасмикин?!

Биз ҳали хўжаликнинг бошқа тармоқлари, хусусан, катта маблағлар эвазига қурилиб ишга туширилган, хўжаликка даромад келтирган музхоналар, омборхоналар тобора нураб бораётганлиги, консерва заводи инқирозга юз тутганлиги, деҳқончиликда рўй бераётган, ширкат хўжалиги номигагина тузилгандек бўлиб туюлаётган бошқа муаммолар ҳақида фикр юритмадик. Эҳтимол, булар кейинги мақолалар учун мавзу бўлар. Ҳозирча наслчиликка ихтисослашган фермадаги аҳволни холисона таҳлил этиш, фикр-мулоҳазаларни баён этиш билан мақолага нуқта қўйишни лозим топдик. Зора, бу хўжаликдаги мураккаб вазиятни «музлаган» жойидан қўзғатишда туман ҳокимлиги ва бошқа мутасадди ташкилотларга туртки бўлса...

***Носир РИХСИЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.***




***Ишлаб чиқариш топшириқларини муттасил тўла ва ошириб бажариб, мўмай даромад ва фойда кўраётган «Саноатқалинқоғозсавдо» акциядорлик жамияти жамоаси Ангренда уюштирилаётган турли ҳайрия, ҳайр-эҳсон тадбирларида фаол қатнашмоқда. Бунинг учун кўплаб маблағ ажратмоқда.***

Корхона жамоаси бирнеча йилдан бери шаҳардаги 34-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига васийлик қилиб келмоқда. Бундан ташқари, учта мактаб ва 10-болалар боғчасига оталиқ ёрдами кўрсатяпти. Шунингдек, қалинқоғозчилар иккинчи жаҳон уруши ва байналмилал жангчилар, нафақахўрлар, иккита маҳаллада яшовчи кам таъминланган оилаларга байрамлар муносабати билан совғалар, озиқ-овқат маҳсулотлари улашишмоқда. Йил бошидан шундай ҳайрия ишларига 3,2 миллион сўм маблағ сарфладилар.

***Усмон УСМОНОВ.***



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТАСАРРУФИДАГИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ БЎШ ЎРИНЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

**1. Фалсафа кафедраси:**
Кафедра мудири (фан доктори, фан номзоди, катта ўқитувчи), ўқитувчи – 4 ўрин.

**2. Ўзбекистон демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси:**
Кафедра мудири (фан доктори, фан номзоди), ўқитувчи – 2 ўрин.

**3. Ўзбекистон тарихи кафедраси:**
Кафедра мудири (фан доктори, фан номзоди), ўқитувчи – 2 ўрин.

**4. Умумий тарих ва ҳуқуқшунослик кафедраси:**
Катта ўқитувчи (фан номзоди), ўқитувчи – 1 ўрин.

**5. Рус тили ва адабиёти кафедраси:** ўқитувчи – 4 ўрин.

**6. Чизмачилик ва тасвирий санъат:**
Кафедра мудири (фан доктори, фан номзоди), катта ўқитувчи (фан номзоди) – 1 ўрин.

**7. Чет тиллар кафедраси:** Кафедра мудири (фан доктори, фан номзоди).

**8. Инглиз тили кафедраси:** Ўқитувчи – 2 ўрин.



**9. Шарқ тиллари ва ёзуви кафедраси:**
Кафедра мудири (фан доктори, фан номзоди).

**10. Ҳозирги замон ўзбек тили кафедраси:**
Кафедра мудири (фан доктори, фан номзоди), катта ўқитувчи (фан номзоди) – 1 ўрин, ўқитувчи – 2 ўрин.

**11. Мусиқа ва эстетик тарбия кафедраси:**
Кафедра мудири (фан доктори, фан номзоди), ўқитувчи – 6 ўрин.

**12. Тиббий билим асослари ва фуқаролар муҳофазаси кафедроси:**
Кафедра мудири (фан доктори, фан номзоди), катта ўқитувчи (фан номзоди) – 1 ўрин, ўқитувчи – 4 ўрин.

**13. Умумтехника фанлари ва физика кафедраси:** Катта ўқитувчи (фан номзоди) – 1 ўрин (фан номзоди), ўқитувчи – 1 ўрин.

**14. География ва экология кафедраси:** Доцент (фан номзоди) – 1 ўрин, катта ўқитувчи (фан номзоди) – 1 ўрин, ўқитувчи – 4 ўрин.

**15. Ўзбек адабиёти ва уни ўқитиш методикаси кафедраси:**
Катта ўқитувчи (фан номзоди) – 1 ўрин.

**16. Умумий педагогика ва психология кафедраси:**
Катта ўқитувчи (фан номзоди) – 1 ўрин, ўқитувчи – 2 ўрин.

**17. Химия кафедраси:** Катта ўқитувчи – 2 ўрин (фан номзоди).

**18. Информатика ва ҳисоблаш техникаси кафедраси:**
Катта ўқитувчи (фан номзоди) – 1 ўрин, ўқитувчи – 4 ўрин.

**19. Математика кафедраси:** Катта ўқитувчи (Фан номзоди) – 2 ўрин, ўқитувчи — 3 ўрин.

**20. Биология кафедраси:** Ўқитувчи — 2 ўрин.

**21. Жисмоний тарбия кафедраси:** Ўқитувчи – 8 ўрин.

**22. Бошланғич синфларда педагогика ва психология кафедраси:**
Катта ўқитувчи (фан номзоди) – 1 ўрин.

**23. Бошланғич синфларда тожик тилида ўқитиш кафедраси:**
Ўқитувчи – 1 ўрин.

**24. Қозоқ тили ва адабиёти кафедраси:** Ўқитувчи – 1 ўрин.

**Ҳужжатлар эълон чиққандан сўнг 1 ой давомида қабул қилинади.**
**Манзилгоҳимиз: Ангрен шаҳар, 48-даҳа, 1 «а»-уй.**
**Тошкент вилоят давлат педагогика институти.**

